

МУГАЛЛИМ ҲАМ ҰЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилесенов

Редколлегия ағзалары:

Макәсіт АЙЫМБЕТОВ
Нагмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дишишхұжа АЙТБАЕВ
Гулбахар АБЫЛОВА
Өсөрбай ӘЛЕҮОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батыrbек КАНПЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбай МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдан СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дүстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гузрухсөр ЭРГАШЕВА

Шолжемлестириушілер:

Қарақалпақстан Республикасы
Халық ғылымлендіриў
Министрлігі, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлөр Кабинеті
жанындағы Жөндарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) карары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа соз ҳам
хабар агентligи тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алыны №01-044-саылы гүйалық
берилген.

Мәнзил: Нокис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналга келген мақалаларга жууап қайтарылмайды, журналда
жерияланған мақалалардан алынған узиндер «Мугаллим ҳам ұзликсиз
билимлендіриў» журналынан алынды, деп корсетилиў шарт. Журналга 5-6 бет
квлеминдеги материаллар еки интервалда *TIMES NEW ROMAN* шриф тинде
электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада көлтирилген
маглыұматларга автор жууапкер.

МАЗМУНЫ**ТИЛ ҲЭМ ӘДЕБИЯТ**

<i>G'anibayeva B., Abduraxmanov M. Tilimizdagи omonim so'zlarning ahamiyati va tahlili.....</i>	4-8
<i>Юсупова Ф.М. Рус тили фани ўқитувчисида маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари.....</i>	8-15
<i>Нарманов А.Х. Болалар нутқини ривожлантириши илмий-педагогик муаммо сифатида.....</i>	15-19

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<i>Ботирова Ш.И. Принцип социального партнерства в преподавании инновационного кластера педагогического образования</i>	20-23
<i>Tashtemirova S.A., Tashtemirov R.A. Pedagogical approaches in education and their importance.....</i>	24-30
<i>Жабборова О.М. "Тарбия" фани ва унга оид меъёрий ҳужжатлар</i>	30-36
<i>Дусчанова Н.С. Шахсга йўналтирилган ёндашув афзалликлари</i>	36-42
<i>Azimov D.G'. Imkoniyati cheklangan bolalarni o'qitish va tarbiyalashda musiqaning motivatsion va didaktik imkoniyatlari</i>	42-47
<i>Tashpo'latova D. Integratsiya asosida ta'lif samaradorligini oshirish usullari</i>	47-52
<i>Raxmonov N.B. Inson hayoti xavfsizligini ta'minlash masalasida pedagogik ta'lif-tarbiya zarurati</i>	52-58
<i>Kurbanova F.K. Chet tilini o'qitish sharoitida bo'lajak o'qituvchilarning madaniyatlararo kompetensiyasini rivojlantirish usullari.....</i>	58-66
<i>Shaymatov J.N. Ofitser-o'qituvchining kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish asosida innovatsion faoliyatga tayyorlash.....</i>	66-72
<i>Eshqoraev Q.A. Masofaviy ta'lif modellari va uning xususiyatlari.....</i>	72-78

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУЎХЫЙЛЪҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<i>Мусурмонов Р., Мусурмонова М. Талабаларга Ал-ҳаким ат-Термизийнинг илмий-педагогик меросини ўргатиш замон талаби</i>	79-85
<i>Ахмаджонов Д.Б. Герменевтик ёндашув асосида бағрикенглик компетенциясини ривожлантириши</i>	85-89

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<i>Исмаилов А.А. Роль мультимедийных технологий в преподавании физики.....</i>	90-94
--	-------

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

<i>Эшманова Н. Бошлангич синф ўқувчиларида ёзма нутқни такомиллаштириши тизими.....</i>	95-99
---	-------

ФИЗИКАЛЫҚ ТЭРБИЯ ҲЭМ СПОРТ

<i>Мардонов Ш.К., Абдувайитова Д. Ўсмирларда спорт эстетикасига оид тасаввур ва қизиқишиларини шакллантириши.....</i>	100-106
---	---------



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲЭМ РУӦХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

ТАЛАБАЛАРГА АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ ИЛМИЙ-
ПЕДАГОГИК МЕРОСИНИ ЎРГАТИШ ЗАМОН ТАЛАБИ

Мусурмонов Р.

Чирчиқ давлат педагогика институти
“Педагогика ва менежмент” кафедраси доценти, н.ф.н.

Мусурмонова М.

Чирчиқ давлат педагогика институти
“Бошлангич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўз ва иборалар: буюк алломалар, маънавий-маърифий мерос, миллат ва жамият, маърифат зиёси, олий таълим талабалари, ёшлар тарбияси, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий мероси.

Ключевые слова и фразы: великие ученые, духовно-просветительское наследие, народ и общество, интеллигенция-просветитель, студенты вузов, образование молодежи, научное наследие Аль-Хакима ат-Термизи.

Key words and phrases: great scientists, spiritual and educational heritage, people and society, intelligentsia-educator, university students, youth education, scientific heritage of Al-Hakim at-Termizi.

Янги Ўзбекистон шароитида, учинчи Ренесанс пойдеворини яратишга даъват этилган ёшлар учун дунё миқёсида ном таратган буюк алломалар, мутафаккирлар томонидан яратилган маънавий-маърифий меросни холисона ўрганиш, уларнинг асарларидағи миллат ва жамият бардавомлилигини тараннум этувчи ғояларни тадқиқ қилиш долзарб вазифалар сирасига киради.

Жумладан IX-XII ва XIV-XV асрлардаги юксак тараққиёт даврида яшаб ижод қилган, буюк зотлар қолдирган бой маънавий мерос нафақат Шарқ оламида, балки жаҳон маърифатпарварлигига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади. Шу сабабли бутун дунёда юртимизни маърифат зиёсини тарқатган муқаддас маконлардан бири сифатида ўрганиш ва мутафаккирлар мероси воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиши мухим аҳамият касб этади. Жаҳонда жамият манфаатини ҳимоя қилиш, инсон камолотини кўзлаш, уни шарафлаш, илм-маърифат тарғиботи учун мутафаккирлар ҳаёти ва ижодини

ёшлар камолоти йўлида сафарбар этишга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан, Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий мероси дунёнинг турли давлатлари - Европа, Осиё, Америка қитъаси мамлакатлари халқларининг тилларига таржима қилинган бўлиб, маърифат, илмга ташналик, инсон камолотида таълим-тарбиянинг ўрни, ватанпарварлик, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, бой миллий маданий-тариҳий анъаналарга ҳамда халқимизнинг интеллектуал илмий меросларини чуқур ўрганишга ва уларни ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, шунингдек интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш йўналишида маълум натижаларга эришилмоқда, жумладан аждодларимизнинг маънавий меросларини чуқур ўрганиш соҳасида ҳам кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ёшларни замонавий билимларни ўзлаштиришлари, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлишларига давлат сиёсатидаги муҳим масалалар сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда алломаларимизнинг илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда улар мазмунидаги маърифатпарварлик қарашларидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида “...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш ва сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, жумладан жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” [1] муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада халқимизнинг интеллектуал бой илмий мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида миллий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини шакллантириш ҳамда ана шу мақсадга хизмат қилувчи алломалар асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари ва 2017 йил 14 февралдаги “Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2774-сон, 2017 йил 20

апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари түғрисида”ги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари түғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш олий таълим профессор-ўқитувчилари зиммасига юксак масъулият юклайди.

Тарихий миллий маънавий хазиналарни ўрганишдан маълумки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг маърифатпарварликка оид қарашларидан имон-эътиқодлилик, бағрикенглик, мустаҳкам ирова, пок қалблилик, виждонлилик омилларининг юксак маънавиятли шахсни тарбиялашдаги аҳамияти кўрсатиб берилган, аллома томонидан эътироф этилган “Илм нурдир” маърифатпарварлик қарашларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг назарий имкониятлари педагогик жиҳатдан ривожлантириш учун ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги маърифатпарварликка ундовчи гояларни туркумлаштириш, умуммийликдан хусусийликка ўтиш орқали маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари шахсга йўналтирилган таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик имкониятлари оила, таълим муассасаси, маҳалла, жамоа, устоз ва шогирд муносабатларини оптималлаштириш асосида кенгайтириш, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талabalарда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясининг ишончлилиги, самарадорлиги ва унинг ҳақиқий заруратини аниқлаш учун мазмун, усул, восита ва янгича таълим-тарбиявий муҳит яратиш мақсадида аллома асарларининг ҳикоя, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунидан фойдаланиш, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга устуворлик бериш асосида ривожлантириш, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талabalarda маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражаларини аниқлашга хизмат қиласиган мезонлар педагогик кўрсаткичлар асосида диагностик ва мажмуавий ёндашувлар орқали аниқлаштиришни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Н.А.Ачилов тадқиқоти Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талabalardan маърифатпарварлик фазилатларининг ривожлантириш технологиясига бағищланган бўлиб, амалда қўллаш учун берилган таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш жуда ўринли бўлар эди. Диссертацияда “Термизий алломаларнинг педагогик таълимотлари” маҳсус ўкув курс дастури орқали ташхис қилишнинг баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган:

ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидаги маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологиясига йўналтирилган педагогик тушунчаларни туркумлаштириш ва шу асосда Интернет тармоғида маънавийахлоқий тавсифдаги челленжлар ишлаб чиқиш асосида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш мазмуни бойитилган;

ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси сұхбат, учрашув, интервью олиш, давра сұхбати, семинар, конференция, дебат, амалий тренинг, танлов, маъруза, күргазма ташкил этиш, экскурсия каби шакллар ва тушунтириш, ҳикоя қилиб бериш, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида маърифатпарварлик фазилатлари мазмунини ёритишига хизмат қиласынан манбаларни ўрганиш, амалий машғулот, намойиш этиш, күргазмалик, экскурсия, “Идрок харитаси”, “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “БББ”, “Бумеранг” каби методларнинг дидактик имкониятлари аниқланган;

мамлакатимизда “жаҳолатга қарши – маърифат” эзгу ғояси асосидаги ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш технологияси бўйича “Термизий алломаларнинг педагогик таълимотлари” маҳсус ўқув курс дастури ишлаб чиқилган ва талабаларда маърифатпарварлик фазилатларининг ривожланганлик даражалари аниқланган.

Ана шу тавсиялар асосида талабаларга Ал-Ҳаким ат-Термизий асарларидан олий таълим тизимида фойдаланишининг мавжуд ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари, педагогик таълимотлар тарихида ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришининг мавжуд ҳолатини аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича қўйидаги вазифалар белгилаб олиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, тажриба майдонларини белгилаш ва аллома меросини ўрганишининг мавжуд педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

иккинчидан, тавсия этилаётган методика самарадорлигини таҳлил қилиш асосида малакали педагогларни жалб қилиш;

учинчидан, ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида унинг педагогик жиҳатларини ўрганиш ва талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган технологияни амалиётга тадбиқ этиш лозим.

Ал-Ҳаким ат-Термизий асарлари воситасида талабаларда маърифатпарварлик фазилатларини ривожлантиришининг мавжуд ҳолатини

ўқув, ўқув -услубий, илмий-тадқиқот ишлари, устоз – шогирд анъаналарини ўрганиш орқали амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистратура босқичида ўқитилиши режалаштирилган ўқув фанлари, айниқса, педагогика, ижтимоий-гуманитар фанлар, аудиториядан ташқари турли тадбирлар, мустақил таълим жараёнининг имкониятларидан кенг фойдаланишни тавсия этамиз. Шу ўринда қайд этиш керакки:

Олий таълим муассасаларида ижтимоий, гуманитар фанлар бўйича яратилган фан дастурларида ал-Ҳаким ат-Термизий меросини чукур ўрганиш ва ундан фойдаланиш ҳолати ўрганилганда алломанинг педагогик таълимотига етарлича ўрин ажратилмаганлиги;

Айни вактда, ал-Ҳаким ат-Термизий асарларининг олимларимиз томонидан таржима қилиниши аллома асарларини ўрганиш асосида ва ёшларнинг жаҳолатга қарши маърифат ғоялари билан курашишида хизмат қиласди.

Олий таълим муассасаларида, айниқса, ижтимоий – гуманитар фанлар таълим йўналиши бакалаврлар билан аудиториядан ташқари олиб бориладиган ишларида, битирув малакавий иш, курс иши ва мустақил таълимда ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий – маънавий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжудлигини таъкидламоқчимиз.

Олий таълим муассасаларидаги ижтимоий – гуманитар фанлар блокига кирувчи ўқув дастурларини ўрганиб, қиёсий таҳлил қилиш асосида: “Умумий педагогика”, “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”, “Халқ педагогикаси”, “Қиёсий педагогика”, “Ижтимоий педагогика”, “Оила педагогикаси”, “Ижтимоий фалсафа”, “Диншунослик”, “Дунё динлари тарихи”, “Маънавиятшунослик”, “Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси ва тасаввуф тариқатлари тарихи”, “Ғоялар фалсафаси”, “Қадриятлар фалсафаси”, “Фалсафанинг умумназарий масалалари” фанларида Ал-Ҳаким ат-Термизий илмий – маънавий меросидан самарали фойдаланиш имкониятлари жуда кенг.

Олий таълим муассасаларида ўрганиладиган “Умумий педагогика” фан дастурига асосан, “Педагогика назарияси” курсида ўқитиладиган “Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви”; “Талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш. Ақлий тарбия”; “Маънавий – ахлоқий тарбия” каби мавзуларда алломанинг шахс тарбиясида билиш (маърифат) назариясига доир фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, аллома китобларида илмни маърифат ва ҳикматга боғланган ҳамда покликка асосланган ғоя сифатида талқин қилиши, одобни “амаллар гилами” деб таърифлаши, ҳар бир амал одоб билан бажарилса, тўғри ва юқори самара бериши мазкур мавзулар

мазмунига сингдирилиши мақсадга мувофиқ. Педагогика назариясининг “Педагогик маҳорат” бўлимида: педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари; ўқитувчи фаолиятида муомала маданияти ва психологияси мавзуларида фойдаланиш ижобий натижа беради. Англашиладики, пиру муридлик, устоз-шогирдлик тушунчаси қадимдан инсониятни ёруғликка, эзгуликка йўллаб келган азалий анъана. Устоз – шогирдлик таълимоти жамиятнинг ҳамма босқичларида, ҳаётнинг барча соҳаларида зарурий ва фарзий амалларидан бўлиб келган. Айнан, ал-Ҳаким ат-Термизий ҳам илк пиру муридликнинг низоми, ахлоқ қоидалари ишлаб чиқкан. Бу ахлоқий мезон ва қоидалардан ҳозирги устоз-шогирд тизимининг мазмунини ҳам бойитишда фойдаланиш мумкин.

Бу борада Чирчик давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент”, “Умумий педагогика” ва “Бошланғич таълим методикаси” кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга дарс жараёнларида, дарсдан ташқари маънавий-марифий тадбирларда, айниқса, кредит-модул тизимида ўқиётган талабалар учун мустақил таълим жараёнида рефератлар шаклида маъruzалар тайёрлаш, эсселар ёзиш, савол-жавоблар, викториналар, конференциялар тариқатида олиб борилаётган амалий ишлар диққатга сазавордир. Шу йўл билан ёшлар онгига узоқ ўтмишдаги буюк алломаларимизнинг миллий педагогикасига қўшган бетакрор хиссалари ўрганилмоқда ва тегишли хулосалар чиқариш имконияти ҳам пайдо бўлмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017., 13 феврал. 6 (766)-сон, 70 модда.-Б. 25-150.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 592 бет.
3. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Али ибн Ҳасан Ҳаким Термизий. Наводирул усул фи маърифати аҳадийсир Расул. Байрут, 2010. VII. - Б.156-157.
4. Аннаев Т.А. Ҳаким ат-Термизий. - Т.: “А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси” нашриёти, 1998. – 32 б.
5. Мусурмонов Р. Взгляды восточных мыслителей на воспитание ребёнка и семейных отношений в узбекских семьях // ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ» «Вестник Проблемы науки и образования» Российской Федерации. Г. Москва 2020 г.

РЕЗЮМЕ

Мақолада буюк алломалар, мутафаккирлар томонидан яратилган маънавий-маърифий меросни холисона ўрганиш, уларнинг асарларидағи миллат ва жамият бардавомлилигини тараннум этувчи ғояларни тадқиқ қилиш долзарб вазифалиги нұқтаи назаридан, улуғ мутафаккир аллома ал-Ҳаким ат-Термизийнинг педагогик меросини ўрганиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.